



IT PARK
STARTUP & SO ZONE

XDP
FARG'ONA



HUDUDGAZ FARG'ONA
GAZ TA'MINCHI FILIALI

rtm



“ENG YAXSHI ILMIY MAQOLA”

2021

XALQARO ILMIY
MAQOLALAR TANLOVI

"ENG YAXSHI ILMIY MAQOLA 2021" XALQARO ILMIY MAQOLALAR TANLOVI
МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНКУРС НАУЧНЫХ СТАТЕЙ «ЛУЧШАЯ НАУЧНАЯ СТАТЬЯ 2021»



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

**"ENG YAXSHI ILMIY MAQOLA 2021" XALQARO
ILMIY MAQOLALAR TANLOVI**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНКУРС НАУЧНЫХ
СТАТЕЙ "ЛУЧШАЯ НАУЧНАЯ СТАТЬЯ 2021"**

**INTERNATIONAL COMPETITION OF SCIENTIFIC
ARTICLES "BEST SCIENTIFIC ARTICLE 2021"**

MATERIALLARI TO'PLAMI

31-OKTABR

1 QISM

O'ZBEKISTON, FARG'ONA

2021

Turapova Marhabo Abdumajidovna <i>SIROJIDDIN SAYYID SHE'RIYATIDA BOBUR UODIY AN'ANALARI</i>	145
Shokirallyev Asliddin Jamoliddin o'g'li <i>YANGI O'ZBEKISTONDA TASVIRIY SAN'ATNI RIVOJLANTIRISH USLUBI</i>	151
Iskandarova Dilfuza Mirzasharipovna Xaliov Damir Shavketovich <i>BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA FANINI O'QITISH METODIKASIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH</i>	155
Shaymardonova Nargiza Makhmanazarovna <i>TECHNOLOGIES OF BEHAVIOR AND COMMUNICATION IN SOCIETY</i>	158
Samadova Nargiza Muxiddinovna <i>TARIX O'QITISHNING TASHKILIY SHAKLLARI MAVZUSINI O'QITISH USULLARI</i>	161
Samadov Muxiddin Axadovich <i>INGILIZ TILINI O'QITISH METODIKASI</i>	166
Ravshanov Doston Rustam o'g'li Nashirova Shaxnoza <i>TEACHING ENGLISH TO MULTILEVEL CLASSES</i>	169
Холтураева Гулноза Миркамиловна Убайдуллаев Кудратилла Асадуллаевич <i>ИЗУЧЕНИЕ СТАБИЛЬНОСТИ И УСТАНОВЛЕНИЕ СРОКА ГОДНОСТИ ПРЕПАРАТА "ОРОКС" ПРИМЕНЯЕМЫЙ В РЕГИДРАТАЦИОННОЙ ТЕРАПИИ</i>	174
Hayitova Marziya Eshonqulova <i>BOSHLANG'ICH O'QUVCHILARIDA MANTIQIY FIKRLASHGA O'RGATISH</i>	179
Xakimova Sharifa Nosirjonovna Faxridinova Nargiza Xudoyberdiyevna <i>MATEMATIKA FANI O'QITISHDA TA'LIM JARAYONINI LOYHALASH</i>	182
Rajabov Otamurod Rayimberdi o'g'li B.M.Umarov <i>OILADA OTA MAVQEYI PASAYISHINING PEDAGOGIK - PSIXOLOGIK SHART - SHAROITLARI, SABAB VA OQIBATLARI HAMDA FARZAND TARBIYASIGA TA'SIRI</i>	184
Tursunboyeva Barnoxon Ravshanbek qizi <i>OTM LARDA O'QITUVCHINING TALABALAR BILAN MULOQOTNI TASHKIL ETISH USULLARI VA MULOQOTDA TARBIYAVIY JARAYON</i>	188
Boboqulov Siroj Shuhratovich Murotmusayev Komiljon Buriboyevich <i>QAROR QABUL QILISHNING TO'G'RI TIZIMI VA PSIXOLOGIYASI</i>	191
Qodirova Mamlakat Muminovna <i>MUSO AL-XORAZMIY (780-850)</i>	197
Байчаев Фазлиддин Хусенович Базарова Саодат Джамаловна <i>КАСБИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАСАЛАЛАР ЕЧИШДА ФИЗИКАВИЙ КАТТАЛИК ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАР ЖАДВАЛИНИНГ АҲАМИЯТИ</i>	202
Shodieva Gulrux Nazir qizi Mavlonova Zuhra Rahmonovna <i>USE OF METHODS TO DEVELOPMENT STUDENTS' WRITING AND SPEAKING IN ENGLISH AT SCHOOL</i>	206
Рустамов Бахтиёр Нормаматович <i>БАНК ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ЯРАТИШ</i>	209

БАНК ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ЯРАТИШ

Рустамов Бахтиёр Нормаматович

«Фидо-Бизнес» МЧЖ Ахборот технологиялари йўналиши

Аннотация: Ушбу мақолада банк соҳасида янги ходимларни ишга олиш, банк ходимлари малакасини баҳолаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва лавозимини ошириш жараёнлари ўрганилиб, уларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини лойиҳалаш ва дастурий мажмуасини яратиш масаласи кўрилган. Ишлаб чиқилган ахборот тизими орқали малакали ходимларни саралаб олиш, уларни муносиб лавозимларга тайинлаш учун билим ва малакасини тўғри баҳолаш ва бу жараёнлар тез ва осон бажарилиши йўлга қўйилди. Мақолада яратилган тизим ахборот хавфсизлигини таъминлаш, тизимнинг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш босқичлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: аттестация, ахборот тизими, дастурий мажмуа, ахборот хавфсизлиги, маълумотлар базаси, реляцион модел, блок-схема, oracle.

Ташкилотнинг ривожланиши ва рақобатли муҳитда яхши фаолият юритиши ходимларнинг билими ва малакасига боғлиқдир. Яхши мутахассисларни саралаб, танлаб олиш, ходимларнинг малакасини баҳолаш жараёни кўп вақт талаб қилмоқда. Бу жараёнларни тез ва тўғри бажарилишини таъминлаш ва инсон аралашувини камайтириш учун ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурати туғилмоқда. Ахборот тизими банк учун яратилгани сабабли, банк мисолида кўриб чиқамиз. Банкка юқори малакали номзодларни жалб қилиш ва ходимларни лавозимга тайинлаш тизимида янги стандартлар жорий қилиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Жумладан, янги ишга қабул қилинаётган номзодлар ва лавозими ўзгараётган ходимларни билими ва кўникмаларини баҳолаш тизими татбиқ этилиши кўзда тутилган.

Мазкур тизимга асосан номзодлар ва ходимларга махсус тест тўпламлари тақдим этилади. Ушбу тестлар икки блокка бўлиниб ҳар бир блок қуйидаги йўналишлар бўйича тест саволларини ўз ичига олади:

- Блок 1:
 - Компетенцияларни баҳолаш бўйича тест саволлари;
- Блок 2:
 - Мантикий фикрлаш
 - Сонлар билан ишлаш кўникмалари;
 - Матн билан ишлаш кўникмалари;
 - Инглиз тили;
 - Иқтисодиёт назарияси;
 - Касбий билимлар даражасини аниқлаш.


Ушбу тизим қуйидаги мақсадлар учун амалга оширилади:

- а) Банкка янги ишга қабул қилинаётган ва лавозими ўзгараётган ходимларни билимини, малакасини тўғри баҳолаш;
- б) Баҳолаш жараёнда инсон омилини ва аралашувини бартараф қилиш;
- в) Банк тизимида мавжуд бўлган бўш иш ўринларини юқори малакали номзодлар билан буглаш;

г) Ходимларнинг салоҳияти ва билим даражасидан келиб чиқиб лавозимини ошириш ёки мос лавозимларга тўғри тайинлаш.

Тест синовларидан икки турдаги ходимлар ўтиши кўзда тутилган. Булар:

- Банкка янги ишга қабул қилинаётган номзодлар;
- Лавозими ўзгараётган ходимлар.




1-расм. Аттестациядан ўтказиш ахборот тизими ишлаш блок-схемаси

Ходимнинг натижаларини баҳолаш, топширилган тестлар жавобларига кўра қуйидаги жадвал асосида белгиланади:

Ҳолати	Натижа
Тест натижаси коникарсиз, тавсия этилаётган лавозимга нолойиқ	55%
Тестни қайта топшириш учун 1 ҳафта муддат берилади	65%
Етакчи мутахассисгача бўлган лавозимга тавсия этилади	70%
Бош мутахассисгача бўлган лавозимга тавсия этилади	85%
Тавсия этилаётган лавозимга лойиқ	85% дан юқори

Тизимда ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Тизимни ҳимоялаш технологияси қуйидаги босқичларда амалга оширилди:

- фойдаланувчиларни идентификация ва аутентификация қилиш;
- тизимдан фойдаланиш ҳуқуқларини белгилаш;
- криптоҳимоялаш;
- ҳодисаларни ёзиб қолиш;
- маълумотлардан захира нусхалари олиш




2-*расм.* Тизимдан фойдаланиш ва маълумотларни серверда сақлаш жараёни

Маълумотлар базасини шакллантириш. Ҳажми мунтазам равишда ўсиб боровчи маълумотларни қайта ишлаш учун маълумотлар базасидан фойдаланилади. Банкда ходимлар малакасини баҳолаш фаолиятига асосан маълумотлар базаси лойиҳалаштирилиб, реляцион модели ишлаб чиқилди. 3-*расм*да базадаги асосий жадваллар реляцион модели келтирилган. Шунингдек, маълумотлар базаси бир қанча маълумотларни қайта ишлаш процедура ва функцияларини ҳам ўз ичига олади.

Тизимда барча маълумотлар тартибланган ҳолда жадвалларга ажратилиб сақланади. Жадваллар орасидаги боғланишлар реляцион моделда кўрсатилган тартибда махсус идентификаторлар (ID) асосида амалга оширилади. Маълумотлар базаси ORACLE маълумотлар базасини бошқариш тизимида яратилди.

Яратилган жадваллардан намуна сифатида фойдаланувчилар маълумотлари сақланадиган жадвални кўрамыз:

Майдон номи	Тонфаси	Номи
ID	NUMBER(10)	Фойдаланувчи идентификатори
LOGIN	VARCHAR2(50)	Тизимга кириш логини
PASSWORD	VARCHAR2(32)	Тизимга кириш пароли (md5 алгоритмида хешланган кўринишда сақланади)
VARIANT_ID	NUMBER(10)	Вариант идентификатори
CREATION_DATE	DATE	Тизимга кириш вақти




3-*расм.* *Аттестациядан ўтказиш ахборот тизими маълумотлар базасининг қисқартирилган реляцион модели*

Тизим қуйидаги натижаларни келтириб чиқаради:

- ✓ *Тест топшириш натижалари электрон кўриниши ҳосил бўлиб, тест натижалари бўйича тезкор маълумот олиш мумкин бўлади;*
- ✓ *Ходимларнинг билими ва малакаси тўғри баҳоланади;*
- ✓ *Ходимларнинг беҳуда вақт сарфи йўқолади;*
- ✓ *Қоғоз ҳужжатлари электрон кўринишига ўтказилиб, молявий-иқтисодий тежамкорликка эришилади;*
- ✓ *Ахборот хавфсизлиги ва ишончлиги таъминланади;*
- ✓ *Статистик маълумотлар ва ҳисоботлар тезкор ва ишончли тарзда ҳосил қилинади.*

Ушбу тизим уч босқичли, мижоз-сервер архитектурасида тузилиб, реал вақт режимида фаолият юритади. Тизимдан ички тармоқ (локал тармоқ) орқали иш ўринларида, интернет орқали эса банкдан ташқарида ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади. Тизимда маълумотлар ишончли ва хавфсиз сақланади.

Ахборот тизимининг тест ишлаш саҳифаси кўриниши:



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Моисеев А. В. Аттестация персонала. Молодой ученый №39. 2019
2. Шаньгин В.Ф. Информационная безопасность компьютерных систем и сетей. Москва. ИД «ФОРУМ» - ИНФРА-М, 2011.

УЎК: 316:323(575.1)

КБК: 60.5(56Ў36)

«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©

**"ENG YAXSHI ILMIY MAQOLA 2021" XALQARO ILMIY
MAQOLALAR TANLOVI**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ КОНКУРС НАУЧНЫХ СТАТЕЙ
"ЛУЧШАЯ НАУЧНАЯ СТАТЬЯ 2021"**

**INTERNATIONAL COMPETITION OF SCIENTIFIC ARTICLES
"BEST SCIENTIFIC ARTICLE 2021"**

MATERIALLARI TO'PLAMI

31-OKTABR

1 QISM

Bosh muharrir:	U.Maqsudov
Texnik muharrir:	R.Axmedov
Mas'ul kotib:	N.Xasanov
Mas'ul muharrir:	Q.Yusufjonov
Sahifalovchi:	I.Abduraximov

ISBN: 978-9943-7309-3-9

Bosishga ruxsat etildi: 2021-yil. Nashriyot bosma tabog'i – 15,125.

Shartli bosma tabog'i – 7,56. Bichimi 84x108 1/8.

Adadi: 100.

«Poligraf Super Servis» MChJ

Manzil: 150100, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, Aviasozlar ko'chasi, 2-uy.